



**МАРВАРИД
МАРГИЛОНИМ**

5703/20057 14.11.19 recd.

913
sped
depos
11
-50000c
31.10.2019 ~~186913~~

50000c
186913

86/159
M 25

МАРВАРИД МАРФИЛОНИМ

Tüplam

«ФАРФОНА» нашриёти

2007 йил



*Республика Матънавият таргигбот
маркази Фарғона вилоят бўлими
ҳомийлигида чоп этилди.*

МАРВАРИД МАРГИЛОННИМ

Тўплам

«ФАРГОНА» нашриёти – 2007 й. – 64 б.

Кўлингиздаги ушбу мухтасар китоб Шарқнинг
тавҳари, дурданаси ҳисобланмиш кўхна ва гўзал
Маргилоннинг 2000 йиллик тўйу таваллудига
Фарғона ижодкорларининг нафис тухфасидир.

©«ФАРГОНА» нашриёти – 2007 й.

Марварид Марғилоним



Йўлдош СУЛАЙМОН

МАРҒИЛОННИНГ ДИЛУ ЖОНИ

Марғилоннинг дилу жони, эй ҳушрўй қизи,
Ҳаёngиз ҳам, сўзингиз ҳам бўлакча ўзи!
Чехрангизни соғинаман юрак эзилиб,
Не оҳанглар ич-ичимдан ўтар сизилиб!
Шоҳимардон тоғларининг ҳавоси Сизда,
Ўйинқароқ хаёлимнинг даъвоси Сизда,
Муҳаббатнинг аллаловчи навоси Сизда,
Марду-майдон мажнунликнинг равоси Сизда!
Сўйдирасиз, куйдирасиз, айтинг, надансиз!?
Нурли хаёл, нурли нигоҳ, нурли бадансиз!
Ҳушим кетиб термулибман яноғингизга,
Насиб этса бош қўяман оёғингизга!
Сиздан келар тонгнинг оппоқ-оппоқ ҳушбўйи,
Вужудимда оқиб турар муҳаббат куйи!
Гўзалликда Ойсиз, Кунсиз, Марғилон қизи,
Ошиқ Йўлдош қўли Сизга етарми ўзи?!





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

МАРҒИЛОНЛИК ДИЛРАБОЛАР

Марғилонлик дилраболар оғатижондир,
Нигоҳларин бир ўзи ҳам роҳатижондир.
Эй, гўзаллик, майли ўзинг ёндишсанг ёндири,
Марғилоннинг шўх қизлари жонимга жондир.
Учрашсангиз ерга қараб туриши яхши,
Иффат тўла, хаё тўла юриши яхши,
Ҳоли қолса ширин хаёл суриши яхши,
Муҳаббату вафони хуш кўриши яхши!
Худди мумдай эритишар сўзлашса агар,
Мажнун қилиб кўяр Сизни кўзлашса агар.
Ихтиёрий қул бўласиз юзлашса агар,
Қочгани жой тополмайсиз тузлашса агар!
Марғилоннинг оқ қушлари, оппоқ қушлари,
Сизлардадир ошиқларнинг эсу ҳушлари.
Билолмаслар Сиз ўнгими ёки тушлари,
Йўлдош каби доғда қолар хиёл бошлари!





Охунжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

МАРГИЛОН

Назокату нафосатдан яралган,
Ипак шаҳри дея довруқ тараган,
Ўз сўзида мардонавор туролган,
Бир гўша бор – Марғилон бу, Марғилон!

Бурҳониддин Марғиноний пир эрур,
Ҳадислари, ҳикматлари дур эрур.
Ҳар суҳани жаннатта йўл кўрсаттан,
Инсон қалбин ёритгучи нур эрур.
Жаннатмакон Марғилон бу, Марғилон!

Юсуф қизик қаҳқаҳасин янграттан,
Маъмуржонни булбул қилиб сайраттан,
Уста Олим довругини тараттан,
Санъат шаҳри Марғилон бу, Марғилон!

Ҳар бир куни ижодга эш юмушдир,
Келажакка шаҳдам-شاҳдам юришдир,
Ҳар бир қизи бамисоли Кумушдир,
Ширинзабон Марғилон бу, Марғилон!

Марғилоним, дунё тургунча тургил
Яна неча минглаб йилларни кўргил.
Истиқлолинг сенга баҳту шаҳд берди,
Уфқаларга боқиб қулочинт кергил!
Бунёдкорим, жон ичра жон Марғилон!



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Малика МИРЗО

МАРҒИЛОНСОЙ БҮЙЛАРИДА

Марғилонсой бўйлариридир сўлим сайҳон,
Қизларининг сочи сумбул, бўйи райҳон,
Бўлар-бўлмас гап ташласанг, гап айтмасам,
Ўйлаб гапир, бўйлаб гапир, дўсти нодон.

Марғилонсой бўйларининг чинори бор,
Қизларининг чароси бор, хумори бор.
Ўзин билиб ўрин топган ой дейдилар,
Ой қизларининг чинор бўйли чин ёри бор.

Марғилонсой бўйларининг гашти бўлак,
Сой сувининг феъли бўлак, шашти бўлак.
Сой сувига бўйлагандай бўйлар бўлсанг,
Ёр қўнглиниң боғи бўлак, дашти бўлак.

Марғилонсой бўйларидан шамол эсири,
Билиб-билимай айтганларинг кўксим эзди,
Бўйламадинг, ўйламадинг, дўсти нодон,
Ўйламасдан айтганларинг йўлим кесди.

Марғилонсой бўйларига йўлим тушди,
Ўтган кунлар сабоғига ўйим тушди.
Сой баҳона, Малика ҳам айтиб-айтиб,
Яхшиларга кўзим тушди, кўнглим тушди.





МАРҒИЛОНЛИК ГҮЗАЛ ХОНИМЛАР

Бу диёрда сұхбатижон сұхбат бўлади,
Тутимлари, удумлари зийнат бўлади,
Дуолари ижобату – ибрат бўлади,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Мукаррама бўлар бири қаддини ростлаб,
Юлдузхонга айланади қўшиқни бошлаб.
Сўз ўйини пайровига бир-бирини ташлаб,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Енг шимариб шеър ўқиши бошласа бири,
Бош эгади бу шаҳарнинг ҳар қандай пири.
Сен ҳам қани, навбатни ол, бир сайҳа уриб,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Сал ғаш ўтса, узрлари дўстона, азиз,
Момолардан қолган калом-саломи лазиз.
Эл ичинда, халқ ичинда бўлиб ёруғ юз,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Олималар сўзни тоблаб, пешлаб келади,
Солиҳалар бир-бирини хешлаб келади.
Бир-биридан сабоқ олиб, сабоқ беради,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Яшагайлар оқибатнинг калитин ушлаб,
Кам бўлмаслар кекса- ёшни сизлаб, олқишилаб,
Атлас тўқиб, атлас кийиб, дўстларни хушлаб,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.

Бу лаҳзалар Маликага баҳт туйилади,
Ушбу юртда шижиоату аҳд түғилади,
Илоҳиёт осмонидан ризқ қуийлади,
Шундай яшар марғилонлик гўзал хонимлар.



Марғилон шахрининт 2000 йиллигига

Анвар ЮНУС

УВАЙСИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ошиқлар дарди пинхон айламакни мандан ўрганди,
Атиргул барги алвон айламакни мандин ўрганди,
Ки парвона фидо жон айламакни мандан ўрганди,
Ки булбул нола, афғон айламакни мандан ўрганди,
Вужудин шами сұзон айламакни мандин ўрганди.

Кечә-күндүз аро қолдим, іозинг офтоб, сочингдур тун,
Даҳрда түрт тамон чопдим ҳәёлинга бўлиб тутқун.
Яна нарғиз кўзинг суйдим баҳор айёмида дилхун,
Бориб саҳроя қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қызил қон айламакни мандин ўрганди.

Маним дардим шароридур пойингда лолалар қулса,
Ҳәётимга хазон тушган чаманда бигта гул сўлса,
Ҳазин кўнглимни шод этмас фалак тоқида ой тўлса,
Шафақтун бўлгуси дил ёр меҳри ниҳон ўлса.
Само гулгуни домон айламакни мандин ўрганди.

Диларо, деб жаҳон кездим, фигоним ёнди сўзларда,
Йўлим дарёю тоғ тўси, адаштим дашту тузларда,
Дилим рангида қон кўрдим, соғинчинг қолди кўзларда,
Сани изларман андоқ ким, күёш дийдоринг изларда,
Кезиб тун-кун шитобон айламакни мандин ўрганди.

Кечар умринг, тутиб Анвар, муҳаббатда вафо расмин,
Қароғингта кўйиб асра Ширину Лайлиниңг рамзин,
Жаҳонда топмагай қадрин бузар ким вაъдаи измин,
Қаноат қилди Вайсий, топди дилдин гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалтон айламакни мандин ўрганди.

Марварид Марғилоним



Исмоил МАҲМУД

БУРҲОНИДДИН МАРҒИЛОНӢЙ Даҳоси

Тафаккур дунёси, дурри яктоси,
Ҳакнинг ҳидояси, сўнмас зиёси,
Шифоат ҳоҳимиз руҳул бақоси,
Бурҳониддин Марғилоний даҳоси,
Ислом оламининг мангу садоси.

Куръону Каримнинг шавку сафоси,
Буюк «Ал-Ҳидоя» мадху маъвоси,
Жаннатий зотларнинг ҳур муддаоси,
Бурҳониддин Марғилоний даҳоси,
Ислом оламининг мангу садоси.

Асл ошиқларга дорил шифо бу,
Улуг аждодлардин чин тўтиё бу,
Яраттан эгамга чин иқтидо бу,
Бурҳониддин Марғилоний даҳоси,
Ислом оламининг мангу садоси.

Башарни бошлагай ҳидоят сари,
У дунё, бу дунё саодат сари,
Мангу етаклагай диёнат сари,
Бурҳониддин Марғилоний даҳоси,
Ислом оламининг мангу садоси.

Бу азиз, барҳаёт руҳлар фидоси,
Мустақил юртимнинг алп раҳнамоси,
Исмоил Маҳмуднинг шукру дуоси
Бурҳониддин Марғилоний даҳоси,
Ислом олмининг мангу садоси.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Матлуба ДЕҲҚОН қизи

МАРҒИЛОН

Хаёлни олади гўзал Марғилон,
Мурғ ва нон. Ризқли юрт ҳам нури иймон,
Ширин сўз, шакар сўз, новвот сўз бунда,
Салом-аликлардан ҳузур топар жон.

Марғилоний бобом! Ассалом дейман,
Дилимни ёритар нури «Ҳидоя»!
Покликка, ростликка, ҳақликка чорлаб,
Кўнгил юкларига бўларлар доя!

Яна Марғилонда – Ғавсул Аъзамдир,
Абдуқодир Жилоний ўз-ўз номлари.
Асли қабрлари Эрон заминда,
Бунда қондошлари, илдиз-қавмлари.

Шоҳимардон пирим-аларга ота,
Ҳусайний ўғлидан келган авлодлар.
Ғавсул Аъзам пирим шунчалар ҳақки,
Йўқласангиз, даров топасиз хабар.

Марғилон! Увайсий момомнинг юрти,
Жаҳонга етгулик отинча - илм!
Сўзда, заковатда, шарму-ҳаёда,
Ҳамон берадилар эл-юртга таълим.

Марғилон! Сайдлар, пошшолар юрти,
Бунда макон топган маним ҳам бобом,
У – маънавий бобом, дуогўй бобом,
Эрта-кеч дилимда жаранглаган ном!

Марварид Марғилоним



Ҳамон дил тўрида Қиличхон тўра,
Отамга бизларни тилаб берган зот,
Қиличида гулни теракка улаб,
Чаман бино этиб, нақш эттан ҳаёт.

Марғилон! Атласдай товланган гўша,
Қадамлари –санъат, яшамоқ – санъат,
Ҳар бир сўз – илмдир, ҳар салом – илм,
Нурдай тўкилади Ҳаққа муҳаббат!





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Мирзажон ИСЛОМОВ

ВАТАН ТОНГИ

Ою юлдуз шуъла сочиб заминга,
Боқар экан ҳавас билан тун бўйи.
Ёйиб сепин тонг келар ҳам осмонга,
Чирогини қуёш ёқар кун бўйи.

Янграр муаззиннинг даъват овози,
Барча шошар оллоҳ ибодатига.
Масжидларда янграр бамдод намози,
Равнақ тилаб юртнинг саодатига.

Ҳурлик аҳли шошар тонгда юмушга,
Топай дея ризқу рўзин меҳнатдан.
Шукр айтар ҳур эл гўзал турмушга.
Озод бўлдик дея асрий зулматдан.

Алп чинорлар сафи юксак, викорли,
Марғилонсой чопар олдга ишвали.
Кушлар нағмасида юртнинг узори,
Чугурлашар турфа гўзал шевали.

Еллар гулнинг шохин аста сийпалаб.
Хушбўй хидин димогига уфурар.
Ифоридан дилга хузурлар айлаб,
Ширин ҳисдан юрак тошиб-гутирас.

Тонг жамолин кўз-кўз қилмоқдан яйраб,
Субхи осорини заминга очар.
Келинчакнинг юзи каби чарақлаб,
Хижобидан чиқиб қуёш нур сочар.

Марварид Марғилоним



**Яратур табиат шундай илохий,
Бир ҳайрат дилларга қиласар ҳадия.
Кенг очиб китобин ал- Марғилоний,
Сочгани элига нури ҳидоя.**

**Пайғомлари келар умид мисоли,
Чалади энг буюк күнлар бонгини.
Мирзажон, Ватандир тонгнинг тимсоли,
Кўзга сурт, қадрла юртнинг тонгини.**





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Энахон СИДДИҚОВА

ДОСТОН

Марғилон бир сўзли лабзи ҳалол,
мард ва танти инсонлар юртидир.
Ислом Каримов

ФАХРИЯ

I

Боболар дуосин олиб турибсан,
Дунёни ҳайратта солиб турибсан,
Эркнинг осмонида балқиб турибсан,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

Фикҳда султону шерларинг ҳаққи,
Пур Сиддиқ, мавлоно, пирларинг ҳаққи,
Шойи ипакларинг сирлари ҳаққи,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

Иймон дарёлари оққан элимсан,
Тангрининг раҳмати ёққан элимсан,
Ҳидоят маёгин ёққан элимсан,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

Ҳазрат Увайсийнинг дуоларида,
Рожий, Умидийнинг садоларида,
Яшайсан Машрабий хижоларида,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

Марварид Марғилоним



Ҳаққа муножоти етган жаннатим,
Хофизларнинг юрти, мумтоз санъатим,
Такаллуму лутфда нозик талъатим,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

Бошингдан кетмасин бахту саодат,
Юртим омонлиги энг олий неъмат,
Буюк мавқабингта тарих шаҳодат,
Шарқнинг дурдонаси гавҳар Марғилон,
Ҳидоят йўлида сарвар Марғилон.

II

Марғилоним оллоҳ қўллаб,
эркинг лайли наҳор бўлсин,
Икки минг ҳур баҳорларинг
мангуга барқарор бўлсин.
Буюкларнинг хоки бордир
бу беҳишти тупроғингда,
Шу тупроғинг гарди дилга
бир оятдай тумор бўлсин.

Байроғингта ўпид қадаб
қўяй жону жаҳонимни,
Шу тилагим кўнгилларни
ёритучи шиор бўлсин.
Ҳидоят йўлинг иймоним,
ўзингсан баланд унвоним,
Манглайимда ярқираган
шу баҳтим шону ор бўлсин.

Ипак бўлсин кийғанларинг,
хурлик бўлсин кўрганларинг,
Ўғил-қизинг бағрингда шод,
Эрк деган хур чинор бўлсин.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Чўп қадасант кўкарсин боғ,
бўлсин юзинг пахтантдай оқ,
Умидингни нихоллари
жаннатингта ифор бўлсин.

Улуг йўлга чоғланганим,
Хидоятдан покланганим,
Отоҳ бўлки, ғанимлар кўп,
кўнгил уйинг бедор бўлсин.
Бурҳониддин Марғиноний
рухи поки қўллаган юрт,
Дуолари, пайғомлари
озод элга чопар бўлсин.

Гавҳари донам ўзингсан,
шоҳ байтим, айтар сўзимсан,
Эрк қуёши бошинг узра
чарақлаб хур балқар бўлсин.
Ипак юртим, шон-шавкатинг
жаҳон ичра токи абад,
Мангуликнинг буржидаги
эркингдай устивор бўлсин.

Марғилоним, муборакдур
кутлуг тўйи таваллудинг,
Улуг номинг муаррихлар
буюкликка ёзар бўлсин!

Марварид Марғилоним



III


Тупроғинг пок жойнамоздир бошимни қўйдим,
Тарихингдан илохий бир ҳикматлар уқдим.
Юрагимга оқиб кирар бу нурлар қайдин?!
Бисмиллоҳ деб руҳимга мен бир чироқ ёқдим.
Қадим тарих рутбасига нарвон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Буюк меъмор, наққош ўзинг парвардигорим,
Бир иймон устунинг бунда қурмишсан.
Нури ҳидоятга элни бошламоқ учун,
Улуг Марғиноний каби фарзанд бермишсан.
Минг шукрки, эрк йўлида урфон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Икки минг йил..., йўл босиб тарих кафтида,
Не –не карвонларинг, элим, кетдилар беиз.
Тошлиар қўйиб тариқатнинг иморатига,
Сенда манзил макон топди не пири азиз.
Дилида эрк шукухи, қўлда қуръон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Субхи содик тушимдан уйғотди хур садолар,
Манглайимни силади Марғиноний бобомлар.
-Иймону эркка ёрдир юртим, болам шукр кил,
Жаҳонга юз туттай , -деб қилди улуғ дуолар.
Ажоддлар дуоси-ла озод қўргон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Тариқатлар сарварисан, буюкларнинг бешиги,
Жаннатларга очилган пок иймоннинг эшиги,
Пайғамбаримиз «Боқчам» деганлари бежизмас,
Шарифларнинг шарифисан, ҳидоятлар тузуги.
Юрагимнинг къбасида туғи сарбон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон.





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Дунёда сенинг каби баланд унвон йўқ, билдим.
Етти фалак буржида ипак карвон йўқ, билдим,
Ўзинг Макка, Мадинамсан ўзинг каъбатуллоҳим,
Оламда ўзбек деган тоза иймон йўқ, билдим.
Эзгуликка элтучи улуг карвон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Ҳар гардинг қадамжодир, азизу пирлар юрти,
Иймони бутлар юрти, фикҳда шерлар юрти.
Илоҳий сасларида минг авлиё, минг валий,
Ҳар хасида минг ҳикмат мӯъжиза, сирлар юрти.
Орифларнинг саждагоҳи нури иймон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!

Маърифат арконида туғи Марғилонийнинг,
Эзгуликка дастурдир фикҳи Марғилонийнинг.
Икки минг йиллар оша кетмас бўлиб келди у,
Юракларга мангу ёр руҳи Марғилонийнинг.
Марваридлар шодасида тоза маржон Марғилон,
Бегим Марғилоним ўзинг, султон Марғилон!



Марварид Марғилоним



IV

*Марғилон Фарғона водийсининг марвариди, миллый
санъатимиз булоги, ислом маданияти ўчогидир.
Ислом Каримов.*

Икки минг не, абадият меҳварида,
Элнинг дуолари, эркнинг гуҳарида,
Азал саркотибин ҳукми ёзарида,
Мангуликка турмоғи бор Марғилоннинг.

Ипак қиласар оддий сўзни Марғилонлик,
Ипак қиласар ҳатто бўзни Марғилонлик.
Баҳор қиласар ҳатто кузни Марғилонлик,
Мехру ишқдан арқоғи бор Марғилоннинг.

Нури ҳидоятли улуғ баҳрлар каби,
Ўзанини топган бокий нахрлар каби.
Жаннатдаги хифзи анбар кавсарлар каби,
Абадият оқмоғи бор Марғилоннинг.
Ҳофизаси рўйи жаҳон Маъмиржоннинг,
Наволарга эшик очган Жўрахони.
Қадим санъат бешигидир ҳур унвони,
Булбуллари, сайроғи бор Марғилоннинг.

Эли ориф, кияр иймон либосини,
Ордан билинг дўпписининг жилосини.
Ҳамиятдан тиклар кўнгил биносини.
Ўчмас бокий чироғи бор Марғилоннинг.

Буюк юргим, жаннатларнинг андозаси,
Етти иқлим аро кетган овозаси.
Ўғил-қизи бекзода-ю, хонзодадир,
Хосиятли тупроғи бор Марғилоннинг.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Эрк шаҳрисан тантрим ёруғ пайғомида,
Бек шаҳарсан кўҳна жаҳон айвонида,
Музafferсан бутун хурлик арконида,
Озодликдай байроғи бор Марғилоннинг.

Боболари дунёларни уйғотгандир,
Юлдузлари самоларни уйғоттандир,
Тупроғида улуғлар, пирлар ётгандир,
Ҳидоядай маёғи бор Марғилоннинг.

Кўш бешиклар тебратгайдир оналари,
Юлдузларни йўргаклагай доялари.
Дунёга кўрк,устун бўлгай болалари,
Буюклиқ кўнғироғи бор Марғилоннинг.

Муҳаббатнинг илоҳаси Кумушлари,
Нози ишқдир амиркони ковушлари,
Беҳиштларнинг ифоридай товушлари,
Муҳаббатдан сабоғи бор Марғилоннинг.

Ўзбек рақсин гултожидир Мукаррама,
Тамараҳон дунёни лол қилган палла,
Кўшиғига жўр бўлган дунё баралла,
Буюк санъат булоғи бор Марғилоннинг.

Илму маърифатда жаҳон айвони,
Марғиноний ўзбек миллатин шони.
Шарқнинг дурдонаси унинг унвони,
Дунё қадар довруғи бор Марғилоннинг.

Шараф берган исломият дунёсига,
Рўйи жаҳон ёришди-ку зиёсига,
Бир юрт йўқдир унинг шаъни, қиёсига,
Пок иймондан яроғи бор Марғилоннинг.

Марварид Марғилоним



Бурхониддин Марғилоний фикъ сарвари,
Шундан Марғилонга тушмиш ҳақ назари,
Кўнгилларин уйғотди бани башарни,
Юрагида оллоҳи бор Марғилоннинг.

V

*Марғилон шоҳи ипак кони,
уста ҳунармандлар маконидир.
Ислом Каримов.*

Хуш лутғу булбулзабон,
Дилида оллоҳ, «Қуръон»,
Кўнглида эрку иймон,
Миллатта шон Марғилон.

Олиму уламолар,
Ҳакиму ҳукамолар,
Фозилу фузалолар,
Салафидир Марғилон.

Назмда Жаҳон отин,
Ишқу эркдир баёти,
Илму урфон ояти,
Илоҳий байт Марғилон.

«Сандиқул орифийн»,
Фикъ илмин уммони,
Кўли кўксида доим,
Пири урфон Марғилон

Тиллари болу шакар,
Эли дўтпидўз, мисгар,
Ипдан ипак йигириар
Чорхунардир Марғилон.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Араб, Эрону Юнон,
Матосига берган тан,
Боқиб ҳайратда қолган,
Рўйи жаҳон Марғилон.

Ўн икки дарвозаси,
Адресин овозаси,
Ҳарир ипак толаси,
Гул андоза Марғилон.

VI

Вафо мерос сизга Момо ҳаводан,
Зийнатингиз иффат или ҳаёдан,
Юрагингиз йўғрилгандир наводан,
Сиз илоҳа, сиз жаннатий, беҳиштлар,
Офтобойим насли гўзал Кумушлар.

Ипагидан нур олур моҳтоблар ҳам,
Элга кўрқдир адресу кимхоблар ҳам,
Дўпписида ишқ деган хитоблар жам.
Сиз илоҳа, сиз жаннатий, беҳиштлар,
Офтобойим насли гўзал Кумушлар.

Оқ юзлари ой билан нур талашган,
Зулфларини фаришталар талашган,
Шохи рўмол нозларига ярашган,
Сиз илоҳа, сиз жаннатий, беҳиштлар,
Офтобойим насли гўзал Кумушлар.

Лайли ишқингизни туморлар қилсин,
Ширин хаёлингиз иболар қилсин,
Фаранглар атиру ифорлар қилсин,
Сиз илоҳа, сиз жаннатий, беҳиштлар,
Офтобойим насли гўзал Кумушлар.



Сиз кирган эшикка чироқ қүяр баҳт,
Ёстиғингиз тавоф қилас мұхаббат,
Фаришталар сизни қилас тиловат,
Сиз илоҳа, сиз жаннатий, бехиштлар,
Офтобойим насли гүзал Кумушлар.

VII

Бурғониддин Марғиноний имом, қонуншунос бұлған, ҳадисшунослик, билан шуғулланған. Қуръонни ёддан билған ва тағсир қылған, ҳуқуқиін билимларни түплаб, уларни яхлит фан тартибига келтирған, үткір тәдқиқотчи, пок художүй инсон, фан ва адабиётда тенгсиз юксак маҳоратли ҳуқуқшунос, ёзуучи, шоуэр бұлған.

Абдулхай Лакнавий..

Аллоҳ одамзотни яраттан маҳал,
Марғилоңдан олған бир ҳовуч тупроқ.
Бу бир ривоятмас, афсонамас, бок,
Айни ҳақиқатдир шубҳадан йироқ.

Шундан бу тупроқнинг зарраси олтин,
Шундан бу юрг ризвон, жаннатмакондир.
Шундан Марғилоңлик зоти зурриёди
Эътиқодда событ, тоза иймондир.

Шундай буюк тангри құдрати,
Оlamга юз тутди бу макон.
Киндик қони томиб күз очди,
Фиқ ғилмида сохиби сұлтон.

Шундан шарифларнинг шарифи,
Муқаддасдир ғишту ҳадлари.
Шундан дунё мард, орифлари,
Тавоф қилас пойи гардларин.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Соҳибкарам, соҳибҳидоят,
Савоб қасрин қургани ростдир.
Бу дунёни нури ҳидоят,
Ўзанига бургани ростдир.

Шундан азиз, зеру забардир,
Оят келар ҳар ҳас, япроқдан.
Бу тупроққа бошингни қўйсанг,
Покланасан фориғ гуноҳдан.

Бурмоқ учун ҳақнинг йўлига,
Тариқатга бурмоқ-чун қалбин.
Бу эл фарзандининг қўлига,
Қалам тутди азал котиби.

Имом Бурҳониддин бобомлар,
Ул илохий китоблар сирин.
Ҳақдан олиб нурли дуолар,
Битдилар «Куръон»нинг тафсири.

Мұҳаддиси буюк Исломнинг,
Тузди руҳоният тузугин.
Ҳидоятга эшиклар очди,
Имомларнинг улуғ бузругти.

Риёлардан қамашган дунё,
Очилиди-ку ғафлатдан кўзи.
Алломалар туққан бу маъво,
Оlam аро ёришди юзи.

Иймонини пок сақлаган эл,
Юрагини нахрлаган эл.
Шони баланд бўлсин илоё
Эркни дилга муҳраган эл.

Марварид Марғилоним



Бунда ётган хазрати пирлар,
Авлиё-ю улуғ валийлар.
Қадамимиз күзатиб турар,
Бурхониддин Марғилонийлар.

Кўз тикади бунда ҳар бири,
Шу юрт шаъни топталмасин деб.
Чиқмасин деб падаркушлари,
Элга қурол ўқталмасин деб.

Токи ўздин чиқмасин ғаним,
Кўз тутмасин бирон бир ёвуз.
Қаерликсан десалар қай кун,
Марғилонлик дейлик ёруғ юз.

Марғилоний, Фарғонийларнинг,
Бешигига қандлар сочганлар.
Фахр этинг бизнинг боболар,
Жаннатларга эшик очганлар.

Осмондаги фаришталар ҳам,
Бехишт қайда энди билдилар.
Амиркони ковушлар кийган,
Пойидадир Кумушби билар.

Бош қўярим - баланд арконим,
Кетсам агар бир кун фонийман.
Оллоҳ берган улуғ унвоним,
Мен ҳам битта Марғилонийман.

Армон қиласа арзир шу тупроқ,
Лойларидан йўғрилмаганлар.
Надоматга бош қўйса арзир,
Марғилоңда туғилмаганлар.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Чин мартабанг поклик иймону,
Давлатинг ҳам пуриймон бўлсин.
Бошқасидан ғам ема, ҳақ бор,
Юртпарварлик хур унвон бўлсин.

Токи түур тожини безаб,
Турсин дилда номусу шонинг.
Ва топинмоқ учун бир азиз,
Бўлсин ҳазрати Марғилонинг!

VIII

...Азиз тупрогимиздан ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний,
Бурҳониддин Марғиноний каби улуг алломалар этишиб
чиққан. Биз улар билан фаҳранамиз...

Ислом Каримов.

Марғилонни кезсам ҳар субҳи содик,
Тариҳдан сўзлайди ҳар ғишту ҳарсанг.
Тилга кирав қаддин ростлаб «Пурсиддик»,
Тилга кирав гумбазлари пуроҳант.

Саслар бергай гарди Чиллахонанинг
Ҳар равоқ ўтмишдан қилгай ҳикоя.
Қўлларида давот, қаламу дафтар,
Хаёлга чўммишлар соҳиб «Ҳидоя».

Элни ҳидоятга бошламоқ учун,
Оллоҳим юборган илоҳий пайғом.
Тариқатнинг олий иморатига,
Муқаллас сўз ила курганлар эҳром.

Оллоҳ номин зикр этиб дилга,
Сокин қадамжога қўяман оёқ.
Ўига чўмиб етаклайди Пурсиддик,
Қўлларимга аста тутар шамчироқ.
Саждага бошимни қўяман илло,



Марварид Марғилоним

Тавоғ қыммоқ учун гарди изларин.
Муборак каломдан келар хұшсада,
Күнглимини поклайди нурлы сүzlари.

Қалбимга шулъалар киради шу тоб,
Рұхим учар ҳақнинг баётларига,
- Ўки,- деб қўлимга тутурлар китоб,
Тўкиламан иймон оятларига.

Муножот қиласман улуғ тантримга,
Юрагимга оқиб кира бошлар нур.
Дину диёнатни поклаган шуур,
Соҳиби ҳидоя сизга ташаккур!

Тариқатнинг боқий остонасини
Зиёрат этмоққа келганлар билинг.
Кўзингизга суртинг гардини илло,
Шундан бошиланади истиқбол йўли.

Нурамасин иймон, меҳр устунлари,
Оллоҳ қўлла ўзинг эркнинг боғбонини.
Рухини шод этди улут боболарни,
Бошин омон қиласгин юртнинг сарбонини.

I

Сукут ичра боқар Пур Сиддик,
Ҳар бир ғишти тенгдир эхромга.
Бу ер жаннатийлар қадамжосидир,
Насабу номлари шоён оламга.

Ўтган қанча султону ғариб,
Кажрафтordan пиёда отлиғ.
Мұхрлаган эзгуликка бот,
Қай бирини доно муаррих.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Тарихларнинг силсиласидан,
Соф асралди пок дину иймон.
Элга ваҳдат нурини сочди,
Бурҳониддин - ул жаннатмакон.

Шул сабабдан боқийдир умри,
Фикҳ илмининг пири аркони.
Саодат тутиб ҳайрул-башарга
Ҳидоят йўлининг улуғ сарбони.

II

Ривоятми, ҳақиқатми, бир ҳаққа аён,
Тушига кирди шогирдни ул соҳибкиром.
Иймони илоҳийла кўз очиб гирён,
Отига эрк бериб учди тонгу шом.

Елди Бухородан Марғилон томон,
Не сир зоҳир эрди шогирд руҳига.
Устозини йўқлаб соғинчи нолон,
Кўзи тушиб Гўраввалда қабр туғига.

-Боқий эрмас бу дунёда на шоху гадо,
Пирим савоб дарёсидан кечиб кетдилар.
Сукун ичра муридлари: ўлим ҳақ-дея,
-Жаннатмакон ҳақ эшигин очиб кетдилар.

Хужрасига бошин урди шогирди аъзам,
Кўзларига сурди йиғлаб китоб, кулоҳин.
Тавоғ қилиб изларини ўпаркан сўнг дам,
Бир синоат, ажиб сирнинг бўлди гувоҳи.

Бир ишорат бордек гўё илк вароғида,
Сўзи якун топмай кетди Шайхул –ул олам.
«Ҳидоя»ни бўзлаб ўқиб пур нигоҳи-ла,
Шогирдига ёришгандек бу нурли олам.

Марварид Марғилоним



Чоршанба кун бошланса гар ээзту амал, иш,
Хайрли бўлгуси,— деб ёзмиш устози.
Шогирдининг руҳига не сирлар зоҳир,
Қабри покин қучоқлаб оҳурди ожиз.

-Устоз тирик, тирик устоз, дўстлар, ишонинг,
Чоршанба кун ўлгани рост бўлса агар.
Ҳақ бўлса борлиги магар хуршид-куёшнинг,
Ул зот ўлмаганлар, бу илоҳий асрор.

- Онҳазрат ўлгани фақат туш бўлган,
Руҳи ўзидамас оллоҳда эди.
У ҳақнинг ишқида хуш-бехуш бўлган,
Ким кўмган билмайин гуноҳкор энди.

Йўқ эрса улуг зот ўз каломига,
Ўзининг оёғин узатармиди?!

Тантри ўзи суйған фозил бандасин,
Халқидан қарз қилиб кузатармиди?!

Оҳ тортиб юборди мурниду муршид,
Ҳамма шу лутфга мусаллам эди.
Кошки, зоримизни эшитса хуршид,
Кўнгиллар дуодан муazzам эди.

Илоҳий эхромдай суринди қабр,
Кўллар ҳали гиштта етиб-етмасдан.
Кўзларидан чак-чак томарди абр,
Бу ориф кўнгиллар биттга нафасда.

Султони орифин беҳоллик кўйи,
«Ёсин»дан айтарди энг сўнгги руҳн.
Сўнгти гишт ё раб деб олинган бўйи,
Лаблар шивирида эди «туржаун».



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Шу тарз тариқатнинг муаррихи пок,
Ёзид тутатдилар «Ал-Ҳидоя»ни.
Балки синади ҳақ шогирдни бешак,
Улуг қояларга суюнч қояни.

* * *

Илохий қадамжо бил, болам сенга,
Оллох қилди меҳру лутф- карам сенга.
Очила жаннатнинг анбар эшиги,
Ул зот сабаб очилди ул олам сенга.
Омин! Оллоҳу Акбар!

* * *

*Миллӣ санъатимиизга тамал тоши қўйган Марғилонлик
улуг санъаткорларга бағишлайман.*

Ҳофизларнинг яловбардори,
Закийларнинг улуг сардори,
Моҳир рақкос, сўз санъаткори,
Усто эди қадру унвони,
Юсуфжон қизиқ Шакаржонни.

Кулгу эди ёруғ суврати,
Халқ қалбida улуг сийрати,
Кичик кўнгил эди жаннати,
Усто эди қадру унвони,
Юсуфжон қизиқ Шакаржонни.

Катта ашуланинг пири устози,
Булбуллар жўр бўлар янграса сози.
Дилларни лол этган савти, овози,
Юраклар сел бўлди хонишларидан,
Болтабой ҳофизнинг ёнишларидан.

Марварид Марғилоним



Камтаринлик фазилати, бетакрор,
Беназир санъати элга мададкор.
Хаста кўнгилларни эттан бегубор.
Маматбобо Саттор манзурнафас.
Сехрли овози гўзал, бекиёс.

«Ушшоқ»у, «Чоргоҳ»ни куйлаган чоги,
Торига кўнарди булбул чаҳ-чаҳи,
Кўшиқ эди ёнар ўти, ўчоги.
Элнинг олқишини кимки олади,
Санъат тулшанида мангут қолади.

Ҳофизлар мулкининг улуг сарбони,
Санъат гулзорининг соҳиб боғони.
Уста ҳофиз ул Жўрахон Султони,
Элнинг булбул ўти эди, сайроги,
Унинг билан баланд санъат байроби.

Буюк санъатини эъзозларди халқ,
Сехрли созига ошиқ эди Шарқ,
Жаннатига ноил қилган бўлсин ҳақ,
Эл қалбининг малҳами, рози эди,
Кўнгилларни уйғотган сози эди.

Довруқлари кеттан эди дунёга,
Довудий овози эди зиёда,
Камтару пок эди одоб хаёда.
Дарё каби оқиб ўтди Маъмиржон,
Юракларга ёқиб ўтди Маъмиржон.

Улуг ҳофиз уста Олим Комилнинг,
Буюк санъат мактабидир таълими.
Дарға эди санъаткорлар олими.
Устод эди мартабаси, мақоми,
Кўнгилларни забт этиб «Шашмақом»и.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Дардларни аритар хушвовоз эди,
Қоракўз турнадай хур парвозди эди,
Булбуллар сехрига жўровоз эди.
Устод эди мартабаси, мақоми,
Кўнгилларни забт этиб «Шашмақом»и.

Шарқнинг марвариди, гавҳар шодаси,
Кўшиқлари эди диллар бодаси.
Оҳанглари гўё эрк шаббодаси,
Санъатимиз кўшки Тамараҳоним,
Муҳаббатнинг нақши Тамараҳоним.

Рақснинг гултожи, шон қўнғироғи,
Ўзбек санъатининг чашми булоғи,
Маликаси эди, наво байроғи,
Санъат ила шараф шони баланд зотан,
Мукаррамахонимлари бўлган Ватан.

Эрку озодликнинг шарофатидан,
Мустақиллик нури ҳидоятидан,
Тангirim карами-ю, иноятидан.
Довруғи дунёга кетди санъатинг,
Марғилоним, абадийдир шавкатинг.

* * *

Иймондан тож кийдирди сийратинг Марғилоним,
Ҳидоят нурин сочди ҳикматинг Марғилоним!
Эзгуликка доя бўл яна минглаб асрлар,
Буюкликка пайғом бўл ҳазрати Марғилоним!



ҚҮҚОНДА ШЕҮР БИТИЛСА

Халқ сүзи бор - у ростдир,
Мозийлардан меросдир:
Қүқонда шеър битилса,
Марғилонда күйланар.
Марғилон оҳанглари,
Юракларга жойланар.

Марғилон оҳангларин,
Сехри бор, зиёси бор.
Қалбларни ром эттучи,
Күзга тұтиёси бор.
Хазиний ҳикматлари,
Беназир неъматлари.
Мақомларга айланди.
Мадалининг созида.
Авжларда күйланди
Ҳофизлар овозида.

Жўрахон сохир нафас,
Маъмуржон-ла басма-бас,
Фурқатий «Сирғати»ни,
Хониш-ла масрур этди.
Санъатнинг қудратини,
Оlamга манзур этди.

Чархиёна ҳажвлари
Завқиёна ҳазиллар.
Юсуф қизиқ тилида,
Қаҳқаҳа хандон бўлди,
Овозаси оламда
Машхури жаҳон бўлди.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Икки кутлугъ хонамиз,
Кўркидир Фарғонамиз.
У Марғилон, Кўқондир,
Илдизи бир, сўзи бир.
Назму навога кондир,
Баёзи бир, сози бир.

Кўқонда шеър битилса,
Марғилонда куйланур.



Марварид Марғилоним



Зұхро АЛИЕВА

МАРҒИЛОНИМГА КЕЛИНГ (құшик)

Соғинсанғиз садоқатни,
Мұхаббатни, фасоқатни,
Саодатни, саховатни
Келинг бир Марғилонимга.

Саватларда ширмой нони,
Харгиз еъзозда меҳмони,
Ипак кони, атлас кони
Келинг бир Марғилонимга.

Қизлари ҳур, малак бўлур,
Тиккани зар, палак бўлур,
Кўрсанғиз, дил ҳалак бўлур
Келинг бир Марғилонимга.

Боболардан мерос юртим,
Ҳофизлар жўровоз юртим,
Эшон Ҳазратта хос юртим
Келинг бир Марғилонимга.

Авлиёлар ардоқлаган,
Марди юлдузни чоғлаган,
Зұхро күнглини боғлаган
Келинг бир Марғилонимга.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Мұхаббат ИБРОХИМОВА.

МУҚАДДАС МАСКАНИМ
(Касида)

Муқаддас масканим – онажон шаҳрим,
Сени юрагимдан асло күймасман.
Ҳар сафар күрганда очилур баҳрим,
Гүзал жамолингта боқиб түймасман.

Хусну тароватинг бугун ўзгача,
Истиқлол туфайли яралди имкон.
Шу Она заминдан токи Ойгача,
Сенинг шарафингни куйлар, Марғилон!

Қанча шод бўлдилар боболар руҳи,
Буюк Марғиноний, Ҳўжажон Рожий.
Қалбларда мұхаббат, байрам шукухи,
Туйғулар келади дилдан илоҳий...

Боболарим менинг ардоқлаган юрт,
Шундай меҳмоннавоз ажиб ўлкасан.
Шундан сенга ёрдир ҳам барака, кут,
Саховат онаси – сахий бекасан!

Санъат гулларига тўладир бағринг,
Улар Ўзбекистон жавоҳирлари.
Марғилон боғчам деб, кўтарган қадринг,
Эллинг алп келбатли баҳодирлари!

Не-не фарзандларинг улғайди Онам,
Заҳматкаш қўлларинг тутган бешикда.
Аллалар сеҳрига чулғанди олам,
Орзулар яралди гўзал қўшиқда!..

Марварид Марғилоним



**Увайсий момомга Онасан ўзинг,
Ғазаллар туғилган қучиб дунёни.
Қалбимга жо қылдим Марғилон сўзинг,
Кўзларимга бердинг нури-зиёни!**

**Сенинг кучоғингда туғилиб ўсдим,
Камолотта ўзинг етказдинг Онам.
Ҳадсиз довулларга бағрингни тўсдинг,
Сен мен-чун бекиёс меҳри, ягонам!**

**Атласинг довруғи оламга машхур,
Хунарманд элимга яралди имкон.
Истиқлол бермокда дилларга ҳузур,
Асл ипак шаҳри – жоним Марғилон!**

**Отам сени суйиб, ардоқлаб ўтди,
Кошоналар қурди сенга ипақдан.
Дунё китобига муҳрлаб кетди,
Муazzам номингни шаҳрим, юракдан.**

**Ҳар куни қўлларин дуога очар,
Ҳожи оналарим намозларида.
Элим деб, юртим деб, меҳрлар сочар,
Сен доим яшайсан ўзозларида!**

**Фарзандларинг сенинг олиму шоир,
Ғазаллар битади азиз номингта.
Икки минг ёшдасан, тўйингта доир,
Китоблар ёзилар эҳтиромингта.**

**Марғилоним менинг – Онажон шаҳрим,
Киндик қоним инган улуғ Ватансан.
Сени кўрганимда очилур баҳрим,
Саждагоҳим ўзинг, жон илиа тансан!**



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Омонжон ҲОШИМОВ

МАРҒИЛОН ДИЛБАРИ

Марғилонда бор унинг бир хонаси,
Хонасида жон кечар жанонаси,
Учрашувга қўймай ўрттар онаси,
Олибон чиқсин уни дугонаси,
Марғилон-эй, Марғилон-эй, Марғилон!

Соғиниб ширин тилин болим, дедим,
Ёлвориб деманг мени золим, дедим,
Гунчалаб, гул чеҳраи олим, дедим,
Шукрким, сиз баҳту иқболим, дедим,
Марғилон-эй, Марғилон-эй, Марғилон!

Марғилон дилбарлари ширинзабон,
«Лар»лари ларzon этур жисмим ниҳон,
Келдилару кетдилар деманг ҳамон,
Бир пари илҳомини излар Омон,
Марғилон-эй, Марғилон-эй, Марғилон!



Марварид Марғилоним



Абдували ОРТИҚОВ

МАРҒИЛОН

Чорсидек ҳовлисида,
Гуркираб ўсар санъат.
Игнаю-ипак билан,
Дунёга келар ҳайрат.

Дил сехрила яраттан,
Дўкон атласни кўринг.
Товус қиласар қизлари,
Хою-ҳавасни кўринг.

Келинг, кўринг, тан беринг,
Мен айтгандай бўлади:
Ҳар битта эшигидан
Кумуш чиқиб келади.

Тулки бўлиб қайтмаган,
Совчиларнинг бирори.
Бўлсангиз ярашади
Марғилоннинг куёви.





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Сиддиқ МҮМИН

ЖАННАТМАКОН МАРҒИЛОН

Асал томиб сўзимдан
Мадҳингта битай достон.
Айланайин ўзингдан –
Жонимга жон Марғилон.

Бобо юртим ўзингсан,
Ибо юртим ўзингсан,
Хаё томар юзингдан –
Номус, иймон Марғилон.

Бурҳониддин бобомиз
Ва Увайсий момомиз,
Рожийнинг ўрни тенгсиз –
Илмга кон Марғилон.

Маъмуржоннинг овози,
Машхурдир Ақий сози,
Кўкда юлдуз парвози –
Санъатмакон Марғилон.

Қизларинг кийса атлас
Ер юзи қиласр ҳавас,
Кулгуларинг бегараз –
Жаннатмакон Марғилон.

Кумушларинг бор бўлсин,
Отабеклар ёр бўлсин,
Оллоҳ мададкор бўлсин –
Чин мусулмон Марғилон.

Асал томиб сўзимдан
Мадҳингта битай достон.
Айланайин ўзингдан –
Жонимга жон Марғилон.

Марварид Марғилоним



Мўътабар ФУЛОМОВА

МАРҒИЛОННИНГ ҚИЗЛАРИ
(Ўзлimga насиҳат)

Келиб қолса мавриди, сулувларга қараб ўт,
Бехиштнинг бояни эрур ул ишва-ю нозлари,
Охумисол кўзларда ёниб туради бир ўт,
Сурма қўймай юрмайди Марғилоннинг қизлари.

Ҳаммаси ёппа чевар, бозорни ҳам билади,
Ҳаром луқма емаслар, ҳазарни ҳам билади.
Ёмон боқма, бир чимдим озорни ҳам билади,
Сурма қўймай юрмайди Марғилоннинг қизлари.

Амиркон кавуш-маҳси, ҳам дўпти кияр бари,
Қўлларида обдаста, ибратли ёш-кари.
Саломлашмай ўтмайди, оширмай берсам таъриф,
Сурма қўймай юрмайди Марғилоннинг қизлари.

Зайнабларга эрк бериб қўймаса агар беклар,
Отабеклар юзига тарс ёпилмас эшиклар.
Бахтсизликни қўймагин Кумушбигита юклаб,
Сурма қўймай юрмайди Марғилоннинг қизлари.

Қирғоқ қўриб бўзин ол, она қўриб қизин ол,
Ёқиб қолсанг мабодо, мухаббатин сезиб ол.
Юрагинта бир умр, садоқатни ёзиб ол,
Сурма қўймай юрмайди Марғилоннинг қизлари.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Нурхон СОЛИЕВА

МАРҒИЛОН

Марғилонлик бек ойимлар,
Кумушой-ю, гулойимлар.
Лар-лар деган сўзингизга,
Ҳавасим бор мулойимлар.

Офтоб ойим юзи қани,
Кумуш ойдек қизи қани.
Тошкент қизин мақтай десам,
Зайнаби қўйдирди мани.

Қўёш билан юзлашасиз,
Булбул билан сўзлашасиз.
Ошиғингиз мингта бўлса,
Гуллар каби нозланасиз.

Юзларингиз ойдек тиник,
Юрагингиз ишқقا тўлик.
Қайрилиб бир боқмасангиз,
Ай, дилгинам бўлар синик.

Марғилоннинг йўлаклари,
Ой юзли ой малаклари.
Шоир кўнгли битта бўлса,
Мингдан ортиқ тилаклари.

Ҳар бирингиз бегингиз бор,
Жуфти ҳалол тенгингиз бор.
Ҳовлингиз тор бўлса ҳамки,
Юрак деган кенгингиз бор.

Марварид Марғилоним



Иномжон ТУРСУНОВ

МАРҒИЛОН МАДХИЯСИ

Юртбошимиз эъзозлаган гўзал шаҳрим Марғилон,
Сен қадим юрт, кўхна диёр, бу кун яна навқирон,
Олам аро машҳур замин, лол қолур сенга жаҳон,
Иқболингни истиқлодан топдинг бу кун, Марғилон!
Икки минг ёшинг муборак,
Тўй муборак, Марғилон!

Марғилоний меъросига тан берур кўхна жаҳон,
Аждодларнинг руҳи шоддир, кўриб элин ҳур замон,
Авлодлари зукко эрур, оқилу ҳам билимдан
Мустакиллик шарофати илиа тилларда достон
Икки минг ёшинг муборак,
Тўй муборак, Марғилон!

Бу рўйи замин аро, дурдонаси Марғилон,
Таърифингта сўзлар ожиз, кошонасан, Марғилон!
Хунарманzlар юртисан сен, санъаткорлар маскани,
Ғазалхонлар гулшанисан, афсонасан Марғилон,
Икки минг ёшинг муборак,
Тўй муборак, Марғилон!

Етти иқлим гавҳарисан, нурхонасан, Марғилон,
Кўхна олам аро ўзинг, яқдонасан, Марғилон.
Сен буюк ипак йўлига солдинг атлас поёндоz,
Хуш табиат аҳли одат, пирхонасан, Марғилон!
Икки минг ёшинг муборак,
Тўй муборак, Марғилон!

Жўрахону Маъмуржонлар қўшиғи ҳамон дилда,
Увайсийнинг ғазаллари жо бўлмишdir кўнгилда,
Юсуф қизиқ мероси бу - мудом янграр қаҳҳаҳа,
Марғилоним, санъатда сен, бетакрору, ягона,
Икки минг ёшинг муборак,
Тўй муборак, Марғилон!



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Толиб НОСИР

**«СОХИБИ ҲИДОЯ»
БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ**

Абу Бакр қонидан,
Қорахоний шонидан,
Яратмиш уни Худо,
Туркистон иймонидан.

Фарғонадан чикиб ул,
Илм сари топди йўл.
Неча шаҳарлар аро,
Қирқ устодга берди қўл.

Шу ерлик йигит ажаб,
Ўқитди форсу араб.
Шарҳ айлади «Қуръон»ни,
Ҳофизасига қараб.

Ҳадислар ҳам бўлди ёд,
Шеър ҳам айлади ижод.
Дин боғини илм ила,
Суғориб қилди обод.

Дину миллат ғамин еб,
Берди шариатта зеб,
Таҳсин айтди уламо,
«Соҳиби Ҳидоя» деб.

Ўзи биру қабри кўп,
Уларда гуллар тўп-тўп.
Чин инсон бўлай десанг,
Мозори тупроғин ўп.

Марварид Марғилоним



Үлмас чиқса-да жони,
Боқийдир шавкат, шони.
Тирик сақлайды номин,
Қолдирған илм-урфони.

Риштон гулистонидан,
Марғилоннинг ёнидан,
Худо яратмиш уни,
Туркистон иймонидан.





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Аъзам НАЗИРИЙ

МАРҒИЛОН ШАҲНИГА

Боғлар ифорин сочиб, тўрт фасл гўзалдурсан,
Бағрингда бўй таратар баҳорнинг хуш чечаги.
Дунёни лол қолдирган куйдирсан, ғазалдирсан,
Тўйинг муборак бўлсин водийнинг келинчаги.

Маърифат конидурсан офтоб жамолинг билан,
Юксакдадур овозинг, меҳринг осмон тоқидин.
Тунни кундуз этарсан нурли камолинг билан,
Мангу ўчмас машъала фарзандинг Бурҳонниддин.

Бел боғлаб меҳнаткаш ҳалқ хунар илимга,
Мана неча асрдир Фарғонанинг фаҳрисан.
Таърифинг бостон бўлиб, кетмиш етти иқлимга,
Ипак йўлин устида, Шарқда ипак шаҳрисан.

Сўнмас сенинг шуҳратинг санъат кошонасида,
Токи бор ўғил-қизинг, бор сенинг мингта жонинг.
Жон фидо ҳофизларининг оташин нафасида,
Куйлар сени она деб Жўрахон, Маъмуржонинг.

Омон бўл, қутлуғ шаҳар тонг қўйнида нур сочиб,
Дарёдурсан тўлқини юксак торлар бошидан.
Мардана бормоқдасан келажакка юз очиб,
Ярқираб тураг бахting истиқлол Қуёшидан...

Марварид Марғилоним



Хавасхон ШОКИРОВА

ФАРГОНА ГАВҲАРИ

Жаннатнинг парчаси сенсан Марғилон,
Барака дарчаси сенсан Марғилон.
Тарихинт қадамдир асрлар оша,
Ашъорлар битайин сенга яраша.
Ватаним бағрида омон бўл ҳар он
Фарғона гавҳари ўзинг Марғилон.

Тупроғинг мисоли дуру хазина,
Инсонлари аҳил, бўлмайди гина.
Узум, олма, беҳилари мўл ҳосил
Хурмон, гилослари пишади хил-хил
Кут-барака ила тўкин дастурхон,
Фарғона гавҳари ўзинг, Марғилон.

Юрмайди битта ҳам боласи бекор,
Мехнатла ўтказар тунларни бедор.
Мехнат-пешонамга битилган баҳт деб,
Мехнатдан келади илтинданд таҳт деб,
Тиним билмас сенда ҳар қандай инсон
Фарғона гавҳари ўзинг, Марғилон.

Дўппиларинг соғлиқ, келтирас бошга
Ярашади кийган қарию ёшга
Чопонларинг, атласларинг товланар
Бир кўрган «кыйсам» деб кўзлари ёнар.
Кунлар келар, қаранг, зап дориломон
Фарғона гавҳари ўзинг, Марғилон.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Нуроний оталар қўли дуода,
Оналар алласи майин навода.
Ҳар қандай оғатлар четлаб ўтади,
Момолар Оллоҳдан тинчлик кутади.
Бу шаҳарда барча мўмин-мусулмон,
Фарғона гавҳари ўзинг, Марғилон.

Жаҳон Отинлари ёзарлар ғазал,
Марғилон қизлари гўзалдир азал.
Кумушбилилари тўқирлар адрес,
Бутун жаҳон кўриб қиласди ҳавас.
Еттидан то етмишгача ғазалхон,
Фарғона гавҳари ўзинг, **Марғилон**.

Мехмон кутиб чарчоқ нима билмаслар,
Машаққатга сира парво қилмаслар.
Ҳар кўчада байрам тўю томоша,
Марғилоним яша, минг аср оша!
Жондек азиз кўрар сени Ҳавасхон,
Ватаним бағрида зумрад Марғилон!



Марварид Марғилоним



НИГОҲИЙ (Маъмуржон Умарчаев)

МАРҒИЛОНИМ

Шоиру шеърга макон, Марғилоним-Марғилон,
Кўшигу кўйларга кон, Марғилоним-Марғилон.

Меҳмондўст ва меҳрибон, доим уйида меҳмон,
Гўё очил дастурхон, Марғилоним-Марғилон.

Аллоҳим назар қилган, хидоятга йўллаган,
Қўлида доим Қуръон, Марғилоним-Марғилон.

Ғазали дардли, ишқий, Жаҳон Отин, Увайсий,
Баёзи тилда достон, Марғилоним-Марғилон.

Санъаткорлар бешиги, Маъмуржоннинг қўшиғи,
Булбуловоз Жўрахон, Марғилоним-Марғилон.

Нитоҳийдир чин ўғлинг, шифокору шоиринг,
Фидо айлар сенга жон, Марғилоним-Марғилон.





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига
Наргиза ОХУНОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори.

МАРГИЛОН СОФИНЧИ

Мени соғинтириди тошлоқ кўчалар,
Ажриқлар тўшалган маъюс остона.
Юлдуз санаганим ойдин кечалар,
Изтироб ўрлаган кўзларинг она.

Мени соғинтириди бойчечак атри,
Илк кўклам гуллаган оппоқ бодамлар.
Мехру муҳаббати ўзидаи ғариб,
Дунёни оқ рангда кўрган дадамлар.

Мени соғинтириди кўхна дунёнинг,
Энг кўхна осори – бу нафис ҳилқат.
Ўша Қодирийлар қон била биттан,
«Ўткан кунлар»ида ўтган муҳаббат.

Мени соғинтириди кайвони бу эл,
Паҳса деворлардан меҳри уфурган.
Ҳаваслар кўзимдан кетганда кўчиб,
Кўнглим тош кентларни соғинмай қўйган.

Ҳамон соғинтирасар ўйлар, қийноқлар,
Айрилиқ кўксимга нишин урган пайт.
Мени соғинарми момақаймоқлар,
Олис юрт – сен мени соғиндингми, айт...



*Нилуфар АБДУГАНИЕВА,
Зулфия номидаги давлат муроғоти совриндори.*

* * *

Минг шукрлар айтайин,
Она халқым бахтидан.
Бобом Темур сўзидағи,
Шижаоту шахтидан.
Пайғамбарим боғчам деб,
Эъзозида айлаган.
Мушки анбар ислари,
Нафасидан яралган.
Увайсий пок қадамин,
Ўпгани азиз тупроғим.
Шоҳларида барг эмас,
Баҳтлар унган япроғим.
Маъмуржону Жўрахон,
Созидаги алёрим.
Отабек кўнглидаги,
Кўксидаги ёр-ёrim.
Уста Олим дермишлар,
Доиранинг пирини.
Ечди ал- Марғилоний,
Фикҳ илмин сирини.
Ҳалол меҳнат рафтигида,
Қадоқ бўлган қўллари.
Иймон, инсоғ истайди,
Хатто орзу- ўйлари.
Оlam аро таралар,
Танти халқнинг кулгуси.
Мавж уради қонида,
Она- Ватан туйғуси.
Икки минг ёш муборак,
Гўзал шаҳрим - эй Она.
Биз фарзандалр камоли,
Тўйларинга тўёна!



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига
Шоирахон КАРИМОВА

МАРҒИЛОН

Мозийдан ҳайратда турар Қодирий,
Шаҳарнинг бу ажиб ҳуснига бокиб,
Гулзор кўчалардан ўтар, солланиб,
Моҳирўй Кумушлар бекларни ёқиб.

Баланд иморатлар турар гердайиб,
Кенг, равон йўлларнинг теграларида.
Хушсурат момою-боболарининг,
Яшариш кўринар чеҳраларида.

Кўркам Янги бозор, обод расталар,
Бағрига чорлайди дехқонларини.
Сийлагиси келар турили неъматла,
Дарвозасин чертган меҳмонларини.

Кўрк қўшар шаҳарнинг ҳуснига яна,
Мактаб, колледжларнинг янги чиройи.
Битта шаҳар бўлса бўлар шунчалик,
Шунчалик бўлар-да, шаҳар киройи.

Улуғ Бурҳониддин алласин айтиб,
Увайсийга илҳом ато эттан юрт.
Жўрахон, Маъмуржон нолалари-ю,
Юсуфжон ҳандаси кўкни туттан юрт.

Довругин тараттан хонатлас мисол,
Минг турфа ранг билан товланар шаҳар.
Эркалаб ороста райхонларини,
Анҳорларга юзин ювади сахар.

Марварид Марғилоним



Кексаю, ёшининг кўксига ғайрат,
Тўйга тўёнасин тутар муносиб.
Асли бу масканнинг бори истеъдод,
Санъаткор, хунарманд, дўппидўз, косиб.

Боқади қувониб Қодирий бобо,
«Ўткан кунлар»идан кечган шаҳарга.
Янги қиёфада, янги суратда,
Эски либосини ечган шаҳарга.

Кўкламнинг мусаффо ифори билан,
Борлиққа борлигин этар намоён.
2000 ёшининг қутгут тўйида,
Солланиб турибди азим Марғилон



Сайёра ХОЛДОРОВА

МАРҒИЛОН

Кўнглимга ифорин сочади боғлар,
Йигитлар кўксига юксалар тоғлар,
Истиқлол тухфаси баҳтиёр чоғлар,
Тўйларинг муборак кўҳна Марғилон.
Аждодлар сиймосин ҳар дам этиб ёд,
Эзгу истакларин кўнгилда бунёд,
Шаҳрим тонгларингни қаршилаймиз шод,
Тўйларинг муборак кўҳна Марғилон.
Қаламим тўкади жилвакор назм,
Ҳаволарга тарқар бокира насим,
Шаҳонла юзлашган шаҳримсаназим,
Тўшаларинг муборак кўҳна Марғилон.



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Иқболови МАМАЖОНОВА

МАРҒИЛОННИМ

Киндик қоним тўкилган тупрок,
Она шаҳрим – азиз Марғилон.
Оппоқ кунда тилаклар оппоқ,
Увайсийнинг шаҳри Марғилон.

Марғилоний буюк сиймоси,
Чорлаб турар фан ва илмга.
Нодира-ю, Нурхон ибоси,
Зўр ғууруни солди дилимга,

Гўзаллиги янада ошар,
Атласларинг кийганда қизлар.
Илҳомларим жўш уриб тошар,
Чакканта гул тақар ялпизлар.

Хурриятнинг нафаси или
Бошимга тож бўлдинг жонажон.
Кутлуғ ёшинг муборак бўлсин,
Она шаҳрим – гўзали Марғилон.



Марварид Марғилоним



Сайёра ҚҰЧҚОРОВА

МАРҒИЛОН

Тонг отиб уйғонар борлиғинг,
Юксакда әзгулик нур сочар.
Майсалар ястанар бағрингда,
Ғунчалар оҳиста күз очар.

Тинмайди шарқироқ сойларинг
Тоғлардан баланддир ғуури.
Күкларга бүй чүзар чинорлар
О, нафис боғларинг суури.

Орзулар гуллайди күксингда,
Булбуллар мавж урар ҳур бүстон.
Суюкли фарзандинг қалбіда
Мангусан ҳур күхна Марғилон.





Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Тилаволди ЖҮРАЕВ

ФАЙЗЛИ ЮРГ ОДАМЛАРИ

Марғилон дўпписининг чизиқлариdek кесишган икки йўл теграсида жойлашган кўхна шаҳар – Марғилон шу доруломон кунларда 2000 йиллигини нишонлаш тадоригини кўрмокда. Шаҳарда улкан қурилишлар бунёд этилмоқда, шаҳар гўзал қиёфа очмоқда. Бу ҳақда матбуот кўп ёзмоқда, хўт ёзмоқда.

Мен бутун марғилонликлар, таг-тугли марғилонликлар ҳақида сўз очмоқчиман. Уларни атроф-муҳит «шаҳарликлар» деб атайдилар. На Фарғона, на Қўйқон аҳлига «шаҳарлик» тушунчаси бунчалар муносибдек туюлмайди мен каби хаёлпарастлар дилида. Дарҳақиқат, марғилонликлар шаҳарликлар, шаҳарлик бўлганда ҳам аждодлари руҳи покини эъзозлаб, фақат марғилонга хос қадриятлар, урф-одатларини ҳали-ҳамон соғ ва пок сақлаб келаётган ўзига хос ва мос бу кўхна ҳалқ авладидир...

Келинг, гапни уларнинг ширинкаломлигию хушмуомилалигидан бошлай қолайлик. Водийда «муомалани марғилонликдан ўрган» деган калом бежиз кезиб юрмайди. Магарким, шоиру фузалоларимиз таъриф берган «сўзи бол» рост бўлса, бу фақат марғилонликлар... Тўй-тўйчиқдаги, издиҳомлардаги муомала, чаққон хизмату мулоzаматни кўрсангиз, минг беғам бўлинг «балли, отангта раҳмат» дея, албатта, кўнглингиздан ўтказасиз. Дилякалар эса, бу тасаннони ҳар гал инкишоф этадилар.

Ўзидан улуғни, хешу ақрабони улутлаш борасига келсак, марғилонликларнинг «лар» маҳсус қўшимчалари бор: «дадамлар, бувамлар, укамлар... келдилар, кетдилар». Биронта уруғ-аймоқ, бирорта меҳмон, ҳатто сұхбатнинг йўқ иштирокчиси ҳам «лар» билан сийланмай қолмайди.

Марварид Марғилоним



Аслмарғилонликоқсуяккеладидесакмуболағабўлмас. Рантги рўйи тоза, нигоҳлари андишали, кибрсиз, соchlари азал-азалдан калталаниб, бошида Марғилон дўппи, кўллар кўксиди, кўришишга чоғланганда қимтини броқ, камтарона кўл чўзганининг гувоҳи бўласиз. Аёлларининг эса, улуғ шоирамиз таърифлагандек, кўп ҳолларда «юзларига парда тортиғлиқ»... Деганимизки, ифрат, одоб, андиша, вафою садоқат, тарихлар қатидан ўзбек аёли не яхши хислатларни эҳтиётлаб келаётган бўлса, барчаси мужассам марғилон аёлида. Улар марғилоннинг «оналари», асл марғилонликларнинг тутанмас булоги, авлодлар яратгувчи дилбандлари...

Аёллар умри асосан уйда кечади, десам яна муболага қилган бўларман. Марғилоннинг эркаги остона тушунчасини эъзозлайди, хонадонни ёмон кўзлардан асрайди. Марғилонликларнинг эшитини очсангиз, аввало, кўзингиз эшиқдан кейинги пардага тушади, оила дахлсиз, пок, иймон-эътиқодли бўлиши шарт. Бу деганимиз, албатта, аёллар «камаб», чеклаб кўйилган деганимиз эмас. Ҳаётнинг турфа жабҳаларида уларнинг ўз ўрни бор. Фақат бозор-учарга аралашмайдилар. Бу юк ҳамиша эркаклар гарданида бўлган. Марғилон эркагига хос яна бир нарса, аждодлардан мерос тап: «Уйга ҳеч қачон қуруқ кўл билан келма, ҳеч бўлмаса, ерда ётган чўпни кўтариб ол». Марғилон аёли қут баракани фақат эркагидан излаган, аммо унинг кўлига қараган эмас. Айниқса, дўппилар, ўша етти иқлимга донғи кетган дўппилар хонадонларда, аҳли аёллар томонидан тайёрланади.

Оиланинг тўкинлиги асосан эркаклар меҳнатидан эканини яхши билган марғилонлика аёллар ўта тежамкор, ўта эҳтиёткор. Андиша или хўжайини кўзига ҳеч қачон тик боқмайдиган аёллар, ўчокқа, қозонга, омборга жуда тийрак боқадилар, қилни қирқ ёриб, бирни икки қиласидилар.

Марғилон яқин атрофидан бўлганим учун, дадам ёшлигимданоқ Марғилонга, дўстлариникига бошлаб



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

келарди. Қишлоқда бир ғарам ўтин билан пишадиган ош бир сиқимгина, майда бўлакланган таҳтачаларда зумда пишиб қолганини ўшанда кўрганман. Ўйинқароқ бўлгансан, дея шубҳа қилишга дарров уринманг. Бу ҳолнинг бир неча бор гувоҳи бўлганман. Марғилонликларнинг бир чимдим чойини ичганмисиз, бир сиқим гуручда ошини еганмисиз, ана ўшанда биласиз асл марғилонни. Хулоса шуки, марғилонликлар тежаб-тергаб яшайдилар, исрофгарчиликка асло йўл қўймайдилар.

Марғилонликларга хос яна бир хислатта тўхтамасликнинг иложи йўқ. Марғилонда «бировнинг ҳаққи» деган ақида бор, у ҳеч қачон бузилмайди. Ҳар бир марғилонлик учун бу мұқаддас тушунча. Тарозудан уриш энг катта гуноҳ ҳисобланади. Ишонмасангиз, лаҳча гўшт тортириб кўринг, албатта, торозунинг гўшт турган палласи босиб турари. Ҳозирда айрим бозорларда нарсадан индамай-нетмай уриб қолинаётган пайтда, бу ҳам ажиг бир ҳол.

Бир куни, йўлда қўқонлик бир тижоратчи йигит билан гаплашиб қолдим. Қисқаси, Марғилон универсамидан анча-мунча нарсалар харид қилибида, бир ўрам колбасани унтиб қолдирибди. Анча вақтдан сўнг ёдига **тушиб қайтиб** борса, колбаса устида қоғозча турган, унга «қўқонлик оғайниники» деб ёзилган экан.

– Ака, деди у гапида давом этиб, – марғилонликлар жума намозга расталарда нарсаларини ташлаб кетаверар эканлар...

Бу – чин гап. Жума пешинда расталарни айлансангиз, мол эгаларини топмайсиз. Озиқ-овқат бўладими, бошқа нарсаларми, устига дока ёхуд сув қоғоз ёпадилар-да, қолдириб кетаверадилар. Марғилонликлар ана шундай, иймон-диёнатта ишонадилар.

Марғилоннинг йигити шўх, дадил, ўзига ишонган бўлади, кексаради-ю, шукронали доно мўйсафида айланади. Дарҳақиқат, жуда-жуда нуроний қарийдилар. Забонларидан шукроналик тушмайди. Кекса бир

Марварид Марғилоним



танишым бор, ҳар гал сўзида бутунги кунга шукр қиласи:
«Қаранг-а, – дейди у шукр-шукр дея, – Марғилон
дўппидекина шаҳар эди-я, барча тор-тор уйча,
ховличаларда бижғиб яшарди, хўп мустақиллик бўлди-
ю, оёқни узатиб яшайдиган замонлар келди-я. Шаҳар
кундан-кунга кенгайиб боряпти. Шукр, шукр, шукр ...»

Киндик қони тўкилган жойни, ватанини севища
ҳам уларга ҳаваси келади кишининг. Шу боис бўлса
керак, «Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига»,
«Марғилон борай дедим, боролмадим» каби соғинчли
орзишиш сатрлари дунёга келгандир.

Тақдир тақозоси билан 70-йиллар эди, Жиззахгабориб
қолдим. Бозорга кирдим. Бир пайт қандайдир аёлни
мен томон ошиқиб келаётганини кўриб қолдим. Менга
талпинар экан, аллақачон кўзларидан оби дийда оқа
бошлади. Ҳамма ҳайрон, у менга етиб келди-ю, кийимим
барларидан ўтабошлади. «Дўппингдан-айланай, – деди
у дўппили бошимни силаб, –вой, ўзимни Марғилоним
а, қанчалар бўп кетти-я...»

Марғилонликлар юртини ана шундай севадилар,
дегим келди, аммо уларни турғун деб бўймайди. Ҳозир
марғилонликларни юртимизнинг кўплаб ҳудудларида
учратиш мумкин. Чунончи, тижоратчилик, ошпазлик,
хуллас, касб-корлик жиҳатидан ҳам уларнинг олдига
тушадиган ҳалқ кам... Улар Марғилондан узоқдаликтини
ҳам қиёмига келтирадилар: аҳиллик шу даражадаки,
биров-бировини ҳеч қачон бегона демайди.

Марғилон ҳалқи ҳақида сўз очиб, ҳолимга яраша
шахсий кузатишларимни ўртоқлашар эканман, икки
минг йиллик тарих лавҳаларини тасаввур қилишга,
Марғилоннинг улуғ ўтмишию алломалари, навқирон
авлодлари ҳақида хulosса қилгим келди: улуғ ҳалқ бу,
улуғ... Икки минг йиллигинг муборак, кўхна ва азиз
Марғилоним!



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига ЧОР ҲУНАР ҲАЛҚ БУ...

Марғилонликнинг дастурхониҳечқачонкам бўлмайди, чунки «хунари бор ҳор бўлмас» дейди ҳалқимиз. Муболага бўлса ҳам айтиш лозимки, ҳунармандликдан ташқари барча кор Марғилонда иккинчи ёхуд ёрдамчи вазифа ҳисобланади. Марғилоннинг боласи ҳунар билан бирга катта бўлади. У, аввало, ҳунарни уйида, хонадонида ўрганади. Ҳолбуки, ҳар бир хонадон соҳиби ўзи ҳунарманд, алалхусус, ҳар бир хонадоннинг ўзи «университет», фарзандлар аввало ана шу университетда таълим оладилар, косиблик, ҳаёт учун зарур бўлган минг турли ҳунар сирларини худди шу илм маскани – оиласда эгаллайдилар. Бу «олийгоҳ»ларга боболари асос солғанлар, асрраганлар, авайлаганлар. Ўша мустабид шўролар замонида косибчилигу ҳунармандчилик тақиқланган даврларда ҳам Марғилон яширин бўлса-да, «Ипак йўли» шаҳрилигини сақлаб келди, унга **хиёнат** қилмади, ота-бобоси удумларига содик қолди. Марғилонда биронта ҳунар тури йўқолиб кеттани йўқ. Бугун мустақиллик замонида Марғилон **ҳунармандчилиги** ўз эркига эришди, туриллаб яшнаб кетди, хонадонларга **кут-барака** ёғилди.

Мен ҳунармандчилик соҳаларини ҳам, элга таниқли ҳунармандларни ҳам санамоқчи эмасман. Ҳунарли элга таъзим қилмоқчиман, холос. Биргина афсусим ҳам йўқ эмас: таассуфки, юқорида айттанимдек, минг турли касб-корлик, унинг сир-синоати, жавоҳирлар сандиги – сўз бойлиги ҳақида илмий-оммабоп китоблар яратилмаётир.

Киши ҳунарманд ёхуд ҳунар соҳиби бўлиши мумкин, аммо уни эъзозлаш, ҳалол ижро этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун алоҳида эътибор, жонфидолик, ҳунархонани пирхона деб билиш, буюртмачини эса ўта ҳурмат қилиш лозим бўлади. Йўқ, яна ҳалоллик керак, қўл учида иш тутиш гуноҳлигини билмоқ керак.

Марварид Марғилоним



Марғилонга буюргма берасизми, бирон иш қилдираисизми, кўнглингиз ҳамиша тўқ туради, ҳадик деган нарса бўлмайди, буюртмангизни олганингизда эса, албатта таскин топасиз. Шу боисданми, ҳозирда энг оммавий хунар автомобил таъмирчилиги асосан Марғилонда қарор топди. Чунки, ишонч бор, ишонч... Инсоф бор, инсоф... Бундан ортиқ яна не керак...

Марғилонлик хунармандлар билан сұхбатлашсангиз, бугун уларнинг боши осмонда. «Марғилон худо деб турган экан, мустақиллик ота-боболаримизнинг ҳамма хунарини қайтариб берди. Мана энди, 2000 йиллик устахоналаримизни тартибга солди. Мустақилликда вужудга келган устахонамиз қайта курилди, гўзаллашди. Устахоналарни шаҳар режа-дастури асосида режали куряпмиз. Ҳукумат ҳам куряпти, биз ҳам куряпмиз». Бу, мен эшитган, марғилонлик хунармандларнинг дил сўзлари...

Марғилонликлар чорхунар келади. Айниқса, оиласвий хунармандчиликда чорхунарлик ривожтотган. Будегани, иқтисод термини билан айтсак, оиласвий хунармандлар замонавий маркетингдан аллақачонлардан бери фойдаланиб келадилар. Шу боис ҳам уч-тўрт хунарни қиёмага етказиб алмашаверадилар.

Марғилонлик шоир Исмоил Маҳмуддинг ҳикоя қилишича, унинг Аҳмаджон исмли қўшниси бор. Улар оиласвий хунарманд. Уч ўғил ота бошчилигига хунармандлик билан шуғулланадилар. «Икки минг йиллик ҳақида гап-сўз юриши билан, – дейди шоир, – косиб қўшним дурадгорликка ўтди. Ҳовлисига арра ўрнатди, шунақангти эшик-ром, курилиш мосламаларини ясай бошладики, фабрикада ёхуд хорижда тайёрланган дейсиз».

– Хунар бу – риёзат чекишидир, – дейди қирқ беш ёшларни қоралаган чорхунар оила бошлиғи Аҳмаджон.

Хаёл суриб кетаман. Ҳа... риёзат чекиб меҳнат қилсагина, нони ҳалолда хунарманднинг. Кўплаб саволларимга жавоб топаман: атласининг тозалиги



Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

шундан; дўпписининг машҳурлиги шундан, остонасининг тиллолиги шундан, қўшиғининг баравжлиги шундан; ширмонининг ширинлиги шундан... Санайверсам, адоги йўқдек...

Марғилоннинг боласи риёзатда отасидан қолишмайди. Ёшлигиданоқ, юқорида айтганимиздек, оила «олийгоҳ»ини битиради. Турмушга қаттиқ бел боғлайди. Эрта туради, кеч ётади. Ҳали мактабда, ҳали бозорда, ҳали устахонада, умринг узок бўлгур болалар.

Хунарманд шаҳар экологик тоза ҳам бўлади. Қатор устахоналар, дўйонлар, фабрика, заводлардек ажал ҳавосини пуркамайди. Бу ёғидан келсангиз, марғилонликларнинг асосий ҳаракатланиш воситаси – **велосипед**. Велосипеднинг юк жойи эса ҳеч қачон бўш бўлмайди: бир жуфтгина тахта кесими, ёхуд алланима, шундай.

– **Харбир хонадонда бир хунарбор-да, қўл қовуштириб ўтирилмайди**, – дейди шаҳар хунармандлари уюшмаси раиси Наримон Шодиев. – Президентимизнинг касаначилик тўғрисидаги Қарори айни Марғилон учун чиқди-да, ҳозир у ҳам роса ривож топяпти.

Дарҳақиқат, қай бир хонадонга кирманг, бутунги истиқлол яратиб берган ишонч, оиласа меҳр, даврга шукроналикнинг гувоҳи бўласиз.

2000 йиллик тантаналар яқинлашиб келар экан, хонадонингизда хунармандлик руҳи кезаверсин, азиз хунармандим, Марғилоним, дегимиз келади.



МУНДАРИЖА

Йўлдош СУЛАЙМОН. Марғилоннинг дилу жони.....	3
Марғилонлик дилраболар.....	4
Охунжон ҲАҚИМОВ. Марғилон.....	5
Малика МИРЗО. Марғилонсой бўйларида.....	6
Марғилонлик гўзал хонимлар.....	7
Анвар ЮНУС. Увайсий ғазалига мухаммас.....	8
Исмоил МАҲМУД. Бурҳониддин Марғилоний даҳоси.....	9
Матлуба ДЕҲҶОН қизи. Марғилон.....	10
Мирзажон ИСЛОМОВ. Ватан тонги.....	12
Энахон СИДДИҚОВА. Фахрия (достон).....	14
Сайдали ОДИЛОВ. Кўқонда шеър битилса.....	33
Зуҳро АЛИЕВА. Марғилонимга келинг (кўшик).....	35
Муҳаббат ИБРОҲИМОВА. Муқаддас масканим (қасида)....	36
Омонжон ҲОШИМОВ. Марғилон дилбари.....	38
Абдували ОРТИҚОВ. Марғилон.....	39
Сиддиқ МҮМИН. Жаннатмакон Марғилон.....	40
Мўътабар ГУЛОМОВА. Марғилоннинг кизлари.....	41
Нурхон СОЛИЕВА. Марғилон.....	42
Иномжон ТУРСУНОВ. Марғилон мадҳияси.....	43
Толиб НОСИР. «Соҳиби ҳидоя»	
Бурҳониддин Марғиноний.....	44
Аъзам НАЗИРИЙ. Марғилон шаънига.....	46
Ҳавасхон ШОКИРОВА. Фарғона гавҳари.....	47
НИГОҲИЙ. Марғилоним.....	49
Наргиза ОХУНОВА. Марғилон соғинчи.....	50
Нилуфар АБДУҒАНИЕВА.....	51
Шоирахон КАРИМОВА. Марғилон.....	52
Сайёра ХОЛДОРОВА. Марғилон.....	53
Иқболой МАМАЖОНОВА. Марғилоним.....	54
Сайёра ҚЎЧҚОРОВА. Марғилон.....	55
Тилаволди ЖЎРАЕВ. Файзли юрт одамлари.....	56
Чор ҳунар ҳалқ бу... ..	60

Боюн

Адабий-бадиий нашр

МАРВАРИД МАРГИЛОННИМ

Түлпам

Мухаррир: С. Ҳасанов
Тех. мухаррир: С. Жўраев
Дизайнер: У. Жабборов
Мусаххих: Т. Акбарова

Теришга берилди: 22.03.2007 й. Босишга руҳсат
этилди: 3.04.2007 й. Наприёт босма табоги – 4,0.
Шартли босма табоги – 4,5. Бичими 84x108 1/16.
Адади 1000 дона. Буюргма № 25.
Баҳоси келипшилган нархда.

«ФАРГОНА» наприёти.
150104, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур
номидаги кӯча, 28.

«ФАРГОНА» наприётининг ижарадаги
«Қиргули-Полиграфчи» УК босмахонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳри, Қиргули даҳаси, Фарғона кўчаси, 6.





126913

3 330000 182015



“ФАРФОНА”